

## Уйғониш давридаги дунёқараш (тўртинчи мақола)



15:00 / 15.05.2024 1669

Шундан кейин кимлардир, Дин Халверзон тахмин қилганидек, университет олимлари, бошқалар тахмин қилганидек, кўзга кўринмас яширин кучлар айна Коперникнинг гапини динга қарши кўтарилишини ирода қилганлар. Улар, муқаддас китобда қуёш чиқади, ботади дейилган, бу дегани қуёш ернинг атрофида айланади деганидир. Коперник эса бу гап нотўғри эканини исбот қилди. Ер қуёшнинг атрофида айланар экан. Демак, муқаддас китоб уйдирма экан, илм эса ҳақиқат, дея жар солдилар. Бузуқ дин асосидаги черков эса бу гапни нобокорлик эканини эълон қилди ва бу гапни айтганларни тафтиш маҳкамасига тортишни бошлади. Жумладан Галило Галилейни қариб қолган бўлишига қарамай занбилга солиб, олиб келиб тафтиш маҳкамасига тортдилар. Шундай қилиб, европаликлар назарида дин билан илм бир-бирига ашаддий душман бўлиб қолдилар.

Европадаги ушбу ҳодисага ўхшаш ҳолат мусулмон оламида ҳам бир неча аср олдин бўлиб ўтган эди. Қуръони Каримда ҳам қуёш чиқади, ботади деган гаплар бор. Мусулмон оламида ҳам баъзи одамлар ер дунёнинг маркази деган тушунчада бўлганлар. Ҳаттоки баъзи тафсир китобларида, ер ҳўкизнинг шоҳида туради, ҳўкиз балиқнинг устида, балиқ сувнинг устида туради деган гаплар ёзилган. Мазкур ҳўкиз шоҳини қимирлатганда ер қимирлайди, дейилган.

Аммо дунёдаги энг аввалги ҳақиқий расадхонани барпо қилиб оламшумул кашфиётлар қилган олим Насриддин Туси (1201-1274) раҳматуллоҳи алайҳи Николай Коперник (1473-1543), Иоганн Кеплер (1571-1630) ва Галилео Галилей (1564-1642)лардан тахминан икки юз етмиш йил олдин улар қилган илмий ишни дунёда биринчи бўлиб қилганда, қуёш маказ бўлиб, бошқа сайёралар, жумаладан, ер унинг артофида айланишини исбот қилиб китоб ёзганида мусулмон оламида уни олқишлаганлар ва улкан олим сифатида улуғлаганлар ҳамда ҳозиргача улуғлаб келмоқдалар. Чунки мусулмонларнинг дини Ислом Аллоҳ таоло мукамал дини ўлароқ уларни барча соҳаларда тўғри йўлга бошлайди. Ислом дини мусулмонларга барча табиий илмларни қунт билан ўрганишга чақиради. Ўрганган илми билан инсоният манфаат етказишга чақиради. Диний илмлар уларни табиий ва тажрибавий илмларга чақиритиш билан бирга мазкур илмларга аралашмайди. Тажрибий илмларнинг олимлари динини маҳкам ушлаган ҳолида ўз мутахассислиги бўйича бемалол ишни олиб бораверади. Диний олимлар дин таълимотлари асосида беморга табибга боришни, ҳандасага ишини тушган мусулмонга муҳандисга боришни, астрономияга иши тушган мусулмонга астрономга боришни тавсия қилади. Диний олим ўзи билмаган нарсага, илмларга аралашса унинг бу борадаги гаплари қабул қилинмайди.

Шунинг учун ҳам аллома Насриддин Тусий раҳматуллоҳи алайҳи ўз расадхонасида илмий ишлар олиб бориб, дунёда биринчи бўлиб маълум сайёралар мажмуаси қуёш артофида айланишини кашф қилиб китоб ёзганида мусулмон олами бу кашфиётни илмий ҳақиқат сифатида қабул қилди ва олимнинг олқишлади. Бирор киши Насриддин Тусий раҳматуллоҳи алайҳининг зиддига бирор оғиз ёмон сўз айтмади.

Аммо европада қалбаки дин асосидаги черков ҳукм сургани учун Насриддин Тусий раҳматуллоҳи алайҳидан деярли уч юз етмиш беш йил кейин Галилей Коперникнинг илмий тажрибаси асосида мусулмон олимнинг ишидан кўчириб олиб ёки унинг тажрибасини такрорлаб,

сайёралар қуёш атрофида айланар экан деса, у бечорани тафтиш маҳкамасига тортишди. Натижада, дин билан илм-фан бир-бирига қарши ашаддий душманга айланди. Охир оқибат бу тортишув бутун бошли европанинг ва кейинроқ оламнинг кўп қисмининг куфр келтиришига сабаб бўлди.

*(Давоми бор)*

**«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.